

## ЎЗБЕКИСТОН СИЁСИЙ ТИЗИМНИНГ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШУВИ ШАРОИТИДА ЁШЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ТАФАККУРИНИ ШАКЛАНТИРИШ

Хўршид Диллиев

ЎзЖОКУ. 1-босқич, халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсати йўналиши

магистранти

[surshid\\_dilliev@mail.ru](mailto:surshid_dilliev@mail.ru)

Мустакил тафаккур халқимизнинг тарихига, маънавий меросига, узлигини англашига имкониятлар яратиб беради. Бу эса тарихий хотира ва тафаккурнинг шаклланишига, бой дунёқарашга эга булган баркамол ёшларни тарбиялашга хизмат қиласди. Бошқачароқ қилиб айтадиган бўлсак, ёшларда мустакил тафаккурини шакллантириш, уларнинг атрофда булаётган воқеа ходисаларга лоқайд булмасликнинг омили булиб хизмат киласди.

Ёшларда мустакил тафаккурнинг шаклланишида тарихий тафаккурнинг ўрни муҳим аҳамият касб этади. Тарихий жараённи энг аввало, алоҳида шахс ва жамият тақдирни сифатида тасаввур қилиш лозим. Бироқ жамият уни абстракт-социологик курсаткичлари орқали эмас, балки ҳаёт инсонлар тақдирни, ўзаро алоқалар воқеликлар орқали кўрсатиб бериши лозим. Ёшлар онгида тарихий тафаккурни шакллантириш, халқимиз орасидан етишиб чиқкан улуғ алломаларнинг жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган хиссалари билан таништириш, буюк тарихий воқеаларни ёдга олиш, воқеаларни баён қилишдаги холислик, сохта қарашларга зарба бериш, аждодларимиз яратган маданий меросни ҳар томонлама урганиш муҳим аҳамият касб этади. Таъкидлаш жоизки, сунгги йилларда тарихий тафаккур файласуф ва социологлар томонидан кенг урганилмоқда.

Мамлакатимиз ёшлари аждодларимиздан қолган буюк илмий интелектуал, бадиий, маънавий меросни ҳар томонлама чуқур урганиш имкониятига эга бўлишди. Тарихий хотирани тиклаш, замоннинг энг янги ютуқларини ўзлаштириш давомида миллий ғурур ҳам тикланиб, мустаҳкамланмоқда. Айниқса, янги авлодни баркамол этиб тарбиялаш, яъни жисмонан бақувват, маънан етук қилиб тарбиялаш масаласига жамият миқёсида устувор вазифа деб қаралмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган, янгиланиш жараёнлари ҳамда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, мустакил фикрловчи, шахсий дунёқарашга эга бўлган, ижтимоий тараққиёт қонунларини англаб етадиган, ташаббускор

ёшларнинг бўлишини тақоза этмоқда. Давлат сиёсатининг асосий йуналишларидан бири ҳам теран фикрловчи, ўз мустақил дунёқарашига эга бўлган иқтидорли ёшларни камол топтириш ва тарбиялашга қаратилгандир. Чунки, ўзгалар фикрига қарам бўлиш, турли ёт мафкураларга эргашиш жамият маънавиятини таназзулга олиб келади.

Ёшларни Ватан ва миллат манфаатлари йўлида фидоийлик кўрсата оладиган, мустақиллигимизнинг моҳиятини ва қадрини англайдиган, уни ҳар қандай хавф-хатардан асрарни ўзининг муқаддас бурчи деб билиш руҳида тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. Яъни, мустақил тафаккур мустакилликни мустахкамлашнинг, ёшларнинг жамиятдаги урнини белгилашнинг асосий меъзони ҳисобланади.

Бугун биз ҳар томонлама тарақкий топиб бораётган, ўз олдига эзгу ва улуғ мақсадлар қўйиб тинч, осойишта ҳаёт кечираётган, ўз куч ва имкониятларимизга таяниб, хукуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти қуриш йўлида улкан натижаларни қўлга киритаётган мамлакатда яшамоқдамиз. Мамлакатимизда хукм сураётган тинчлик ва осойишталик, динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ҳамда ҳамжиҳатлик юртимиз тараққиёти йўлида амалга оширилаётган эзгу ишларнинг мустаҳкамланишига шартшароит яратмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мустақил фикрлаш жамиятда, инсонлар ўртасидаги муносабатлар муҳити яхши бўлганда ривожланади. Ана шуларни ҳисобга олгадиган бўлсак, сўнги тўрт, беш йил ичида республикамиизда истиқомат қилувчи турли миллат ва элатлар ўртасидаги муносабатлар, диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ғояларининг мустаҳкамланишига шартшароит яратмоқда.

Мустақиллик йилларида ёшларнинг онги, тафаккури бир мунча ўзгарди. Биринчи галда оламга, жамиятга, инсонга муносабатда, турли воқеа ва ҳодисаларни, ёт ғоялар ва эътиқодларни идрок этишдан воз кечилди ва ҳақиқий виждан эркинлигини таъминлашга киришилди.

Хусусан, жамиятда ўз илдизи ва асосига эга бўлган институтлар, қадриятлар, урф-одатлар, аҳоли менталитети, мінтақавий, миллий, диний, маданий-маънавий хусусиятлар халқнинг модернизациялашган қадриятларни қай даражада қабул қила олиши, сиёсий тизимнинг янгиланиши кабиларнинг эътиборга олиш зарур.

Мустақил тафаккур эркинлиги, жамиятни модернизациялаш жараёнида инсонпарварлик ғояларининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Ёшларда мустақил тафаккурнинг шаклланиши, ижтимоий-иқтисодий

жараёнларда кечаётган янгиланишлариниг туб моҳиятини теран англаб етиши учун кенг имкониятлар яратиб беради.

“Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати”да модернизацияга шундай таъриф берилади: “Модернизация (ингл. Modernisation- ўзгариш, янгиланиш, замонавийлаштириш)- Индустрлаштириш, саноатлаштириш даврида аграр, тарихий ва замонавий жамиятлар тараққиётининг янги босқичга қўтарилишини ифода этувчи ижтимоий жараён. У жамият ҳаётининг барча жабҳалари: иқтисодиёт, сиёсат, ижтимоий ва маънавий-маърифий соҳанинг модернизация қилинишини тақозо этади.[1.] Биз ҳам бу фикрларга қўшилган ҳолда модернизация янгилаш, предмет ва ҳодисаларни такомиллаштириш, уларни замонавий талаблар ва меъёрларга ҳамда замонавий сифат ва миқдор кўрсаткичларига мувофиқлаштириш демоқчимиз.

Модернизация ва мустақил тафаккурнинг ўзаро уйғунлиги қуйидаги холатларда намоён бўлади:

Биринчидан, мустақил тафаккур эркинлиги жамиятни модернизациялаш жараёнида инсонпарварлик ғояларини шакллантиради.

Иккинчидан, жамиятни модернизациялаш жараёнида мустақил тафаккур, ёшларнинг мантиқий фикрлашини шакллантиради.

Учинчидан, тафаккур эркинлиги жамиятни модернизациялаш жараёнида тафаккур тобелигидан холос этиб мустақил фикрлашни шакллантиради.

Тўртинчидан, мустақил тафаккурга эга бўлган ёшларда, турли тажовузкор мафкуравий ахборот хуружларига қарши ғоявий иммунитет шаклланади.

Бешинчидан, мустақил тафаккурга эга бўлган ёшларда, аждодларимиздан, авлодларга қадрият сифатида ўтиб келаётган бой маданий-маънавий меросимизга хурмат ва уларни авайлаб-асраш туйғусини шакллантиради.

Олтинчидан, жамиятни модернизациялаш жараёнида мустақил тафаккурга эга бўлиш, бугунги инновацион ғоялар кенг шаклланаётган бир даврда ёшларнинг келажакка бўлган ишончнинг ортиб боришига хизмат қиласди.

Озод юртнинг хур фикрли фарзандлари мустақил ва эркин тафаккур қилиш ҳуқуқига эгадирлар. “Инсон тафаккурига нафақат унинг билимлари, ақлининг таҳлилий ва умумлаштириш салоҳияти, мустақил хулоса қилиш масъулиятидан чўчимаслиги, соғлом скепсис, ҳиссий-психологик хусусиятлари, шунингдек, эътиқоди муайян диний-фалсафий, эстетик, ахлоқий қадриятлар тизимиға муносабати ҳам таъсир кўрсатади”.[2.] Бу эса, одамнинг табиатнинг иштрокчиси, унинг таркибий қисми инъикосидир.

“Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти энг олий мақсадларни кўзлайди, биз илм-фан ва техникани, юксак технологияларни, маънавий маданиятни

ривожлантириб, ҳақиқий бозор муносабатларини қарор топдирмоқдамиз, жаҳон ҳамжамиятига интеграция бўлмоқдамиз. Инсон камолоти ва эркинлиги учун барча зарур шарт-шароитларни, шу жумладан, интелектуал имкониятларни яратмоқдамиз. Олдимизга қўйган мақсадларга эса фақат ақл ва чуқур мантиққа таянган тафаккур ёрдамидагина эришиш мумкин”[3.] Бундай вазият эса ёшларнинг зиммасига улкан ижтимоий вазифа юклайди.

Тафаккур озодлиги учун халқимизнинг қанчадан-қанча алломалари курашиб келганлар. Жадидчилик ва миллий озодлик хракати намоёндаларининг фаолияти бунга ёрқин мисол бўла олади. Улар миллатнинг тили ва дини, урфодат ва анъаналарини сақлаб қолиш учун фидокорона қурашганлар ва бу йўлда қўпгина қурбонлар беришган. Чунки, тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур тазиикдан, қулликдан қутилмаса, инсон тўла озод бўлолмайди.

Маълумки, “Жамият ва шахс уйғулиги тамойили, инсон ҳуқуқларининг давлат ҳуқуқидан устунлиги, инсон шахсий ҳаётининг дахлсизлиги ва муҳторийлигини ҳимоя қилиш, эркин танлаш имкониятларини яратиш, ўзгача фикрга ҳурмат, қарашларда плюрализм, бошқарувда демократизм тафаккур эркинлигини вужудга келтирувчи ва таъминловчи омиллардир”.[4.] Демократия, эркин фикр, эркин тафаккур учун эса мунтазам қурашмоқ керак.

“Эркин тафаккур, кенг маънода оламни, тор маънода конкрет вазиятни адекват, яъни имкон даражасида, тўлалигича, бузмасдан, холис ва объектга мос равишда акс эттиради. Адекватлик эркин тафаккурнинг муҳим белгиларидан ва мезонларидан биридир”.[5.] Ёшларда бундай фазилатни юзага келтириш учун назария ва амалиётнинг бирлиги, тажриба ва янгича иш услубининг уйғулигини таъминлаш талаб этилади. Бу жараён эса, узлуксиз ва узвийлик ҳамда яхлитлик симптомларига эга бўлиши зарурдир.

Хулоса сифатида шуни айтиб ўтиш керакки, мустақил тафаккурнинг асосий моҳияти, инсонпарварлик, жамият ва алоҳида шахс манфаатларини англаб этишда ўз ифодасини топади. Мустақил тафаккурни, мустақиллик талабларига ҳамда ҳозирги ахборот технологиялари, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига шиддат билан кириб келаётган, бутун дунёда глобаллашув тенденциялари қучайиб бораётган давр даъватларига мослаштирмасдан туриб, ислоҳотларни юқори суръатларда ва муваффақиятли давом эттириб бўлмайди десак ҳақиқатга яқинроқ бўлади.

Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг ёшларни бегона мафкуравий тазиикдан ҳимоя қилиш борасидаги ташабbusлари ҳам ёшлар олдига қўйилган улкан дастурий топшириқлардан бири ҳисобланади. Шундай экан, бизнинг асосий вазифамиз, эски ақидалардан холи бўлган, янгича фикрловчи мустақил тафаккурга эга бўлган ёшларни тарбиялашга қаратилмоғи зарур.

Энг асосийси, давлатимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, ёш авлод қалбига она юртга муҳаббат, миллатга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш ҳамда ғоявий ва ахборот хуружларининг мақсадларини фош этиш, ёшларни ҳушёрлик ва огоҳлик руҳида тарбиялашга қаратилмоғи керак.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)**

- 1.Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. Т.: «Академия» 2007,  
222-223 бетлар
- 2.Абдураҳим Эркаев. Тафаккур эркинлиги. Т.: “Маънавият” 2007, 49-бет.
- 3.Абдураҳим Эркаев. Тафаккур эркинлиги. Т.: “Маънавият” 2007, 91-бет.
- 4.Абдураҳим Эркаев. Тафаккур эркинлиги. Т.: “Маънавият” 2007, 146-бет.
- 5.Абдураҳим Эркаев. Тафаккур эркинлиги. Т.: “Маънавият” 2007, 148-149 бетлар.